

Тўйхат ўрида

КЎЗЛАРИДА НУР ПОРЛАР УНИНГ

Унинг олтимиш йиллик тўйи газетанинг йиғирма бир йиллиги билан уйғунлашиб кетди.

Октябрь Жавлонов Самарқанд давлат дорилфунунининг филология факультетини битиргач, 1956 йилдан то 1974 йилга қадар «Ленин йули» (ҳозирги «Зарафшон») вилоят газетасида оддий мухбир, бўлим мудири, масъул котиб, муҳаррир уринбосари вазифаларида хизмат қилди. Жиззах вилояти ташкил этилган кундан бошлаб, мана йиғирма бир йилдирки, «Жиззах ҳақиқати» газетасининг бош муҳаррири бўлиб ишлаб келмоқда.

Шу йиллар давомида вилоят матбуотининг пойдеворини яратишда, ижодий жамоани уюштириш, тарбиялаш ва камол топтиришда, унга хос Жиззах адабий муҳити анъаналарини тиклаш ва тарғиб қилишда катта меҳнат қилди.

«Жиззах ҳақиқати» илк бор ташкил этилгач, ижодий жамоага Жиззах, Сирдарё, Самарқанд вилоятларининг таниқли журналистлари ишга келишди. Ушанда шундай бир ижодий муҳит пайдо бўлгандики, у ҳар қандай қийин иш шароитидан устивор эди. Таҳририят учун ажратилган эски бино таъмирланаётгани туфайли дастлабки сонларни чиқариш учун ижодий ходимлар ҳовлидаги уриқлар



кейин обкомга қақирилган муҳаррир газета бундан буён Тошкентдаги бирлашган нашриёт босмахонасида босилишини айтди. Икки йил яна йўл азобини тортиб пойтахтга қатналди.

Шу давр ичида республика раҳбарияти саъй-ҳаракати билан Жиззахда етти қаватли матбуот уйи (босмахона мажмуи билан) қурилиб ишга туширилди. Барча ходимлар уй-жой билан таъминланди. Буларни гапириш осон, холос. Бунинг учун муҳаррир тиним билмай елиб-югурди.

... Тўй кунлари устознинг шогирдларидан бири «Агар муҳарриримиз газетани машаққатлари билан банд бўлмаганда, ёзувчи бўларди, қатор романлар ёзарди», — деб жуда турри айтди. Зеро, Октябрь Жавлоновнинг жумҳуриятимиз нашриётларида «Самарқанд машъаллари», «Чул одамлари» каби китоблари чоп этилган.

Унинг қўлаб шогирдлари бугун республика, вилоят, туман газеталарига муҳаррирлик қилаётгани, турли вилоят ҳокимликларида масъул вазифаларда ишлаётганликлари ҳам устознинг бағри кенглигидан, талабчанлигидан нишона.

Ҳали устанинг қалами уткир, оппоқ қозоғга тикланган кўзларидан нур кетган эмас. Бундай одамга ишонган ва эргашганлар хато қилишмайди.

Ҳайитбой НАБИРАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ СТИПЕНДИЯСИ СОВРИНДОРЛАРИ БИЛАН ТАНИШИНГ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъатининг 1995 йил 29 сентябрдаги мажлисининг қарори билан қуйидаги иқтисодий талабалар 1995 — 96 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясига мазкур таълим йўналишлари бўйича совриндорлар деб топилди:

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ИРРИГАЦИЯ



Хамзаев Абдушукур — Самарқанд қишлоқ хўжалик институти 5-курс талабаси. Мутахассислиги — агрономия. Аълочи, нашр этилган илмий ишлари 1 та. Немис тилида эркин суҳбатлашади. Компьютерни яхши эгаллаган, волейбол бўйича биринчи разрядга эга. Ҳозирги кунда А. Хамзаев Голландия технологияси бўйича ўстириладиган картошка навларининг ҳосилдорлигини ошириш мавзусида илмий иш олиб бормоқда.

ТЕХНИКА ВА ИНФОРМАТИКА



Нуритдинова Зухра Зайнутдиновна — Тошкент давлат техника университети 5-курс талабаси. Мутахассислиги — ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш. Аълочи, нашр этилган илмий ишлари 2 та. Инглиз тилида эркин суҳбатлашади. Компьютерни мукамал эгаллаган, математика ва программалаш бўйича университет миқёсида ўтказилган олимпиадаларда фаол қатнашган. Бугунги кунда у автоматлаштирилган тестловчи ўқитувчи системанинг алгоритми ва программа таъминоти устида ишламоқда.

ТИББИЁТ, ЖУМЛАДАН, ФАРМАЦИЯ ВА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ

Раҳимов Нодир Маннонович — иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти 6-



курс талабаси. Мутахассислиги — даволаш иши. Аълочи, нашр этилган илмий ишлари 1 та. Инглиз тилида эркин суҳбатлашади. Кўз касалликлари муаммолари билан қизиқади. У институтда ўтказиладиган илмий конференцияларда фаол иштирок этади. Диабетик ринопатия хасталигини ўрганиш билан боғлиқ илмий иш устида талқиқотлар олиб бормоқда.

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ВА КИМЁ-БИОЛОГИЯ МУТАХАССИСЛИКЛАРИ



Ахмедов Анваржон Ахатжонович — Тошкент давлат университети 5-курс талабаси. Мутахассислиги — математика. Аълочи, нашр этилган илмий ишлари 1 та. Инглиз тилида эркин суҳбатлашади. 1995 йил — Улуғбек номли давлат стипендияси совриндори. У локализациялаштириш ва спектрал назарияси соҳасида изланиш олиб бормоқда.



Тўрақулов Лазиз Ҳамитович — Самарқанд давлат университети 5-курс талабаси. Мутахассислиги — физика. Аълочи, нашр этилган илмий ишлари 2 та. Талабалар илмий анжуманларида муқтазам равишда маърузалар билан қатнашиб келади. 1992 йил — республика талабалар олимпиадасида III ўрин, 1993, 1994 ва 1995 йилларда I-ўрин совриндори. Инглиз тилида эркин суҳбатлашади, компьютерни мукамал эгаллаган.

ИҚТИСОДИЁТ

Тожиена Дилбар Зайнутдиновна — Тошкент давлат шарқшунослик институти 5-курс талабаси. Мутахассислиги — иқтисод



Аълочи, нашр этилган илмий ишлари 2 та. Инглиз ва хитой тилларида эркин суҳбатлашади. 1994 йили институт миқёсида ўтказилган «Хитой тили билимдонлари» конкурсининг ғолиби, 1995 йил — Навоий номли давлат стипендияси совриндори. Компьютерни мукамал эгаллаган. Хитой тилидан таржима билан шуғулланади. Хитой иқтисодиёти бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда.

ПЕДАГОГИКА



Абсалимова Дилрабо Юсуповна — Жиззах давлат педагогика институти 4-курс талабаси. Мутахассислиги — педагогика. Аълочи, нашр этилган илмий ишлари 1 та. Инглиз тилида эркин суҳбатлашади. 1995 йил — Навоий номли давлат стипендияси совриндори. Компьютерни яхши билади. Институтда ўтказилган илмий-назарий конференциялар ғолиби, ҳозирги кунда она тили ва уни ўқитиш услубияти бўйича илмий иш олиб бормоқда.

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ



Муртазоев Искандар Баходирович — Тошкент давлат консерваторияси 5-курс талабаси. Мутахассислиги — кларнетда ижрочилик. Аълочи, инглиз тилида эркин суҳбатлашади. 1990 йил — XI республика ёш ижрочилар танловининг ғолиби, 1992 йил — «Новые имена» фонди стипендиясининг совриндори, 1994 йил — Маркнойкирхен (Олмония) шаҳрида ўтказилган Халқаро конкурс қатнашчиси ҳамда «Улуғбек» фондининг I даражали диплом совриндори.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

UZDUNROBITA

cellular

"Ўздунробита"

Ўзбек-Америка уяли радиотелефон алоқа қўшма корхонаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовни, Олий Мажлисни ва Ҳукуматни, Ўзбекистоннинг барча фуқароларини кириб келаётган 1996 йил билан ТАБРИКЛАЙДИ.

Уларга тинчлик, хотиржамлик, бахт-саодат, оилавий тотувлик, Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги учун ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда янгидан-янги муваффақиятлар тилайди!

Бугунги кунда "Ўздунробита" ҚҚсининг алоқа телефонлари Тошкент, Самарқанд, Қарши, Бухорода муваффақиятли ишлаб турибди. Ўзбекистонда ташкил қилинган ва абонентларга сифатли хизмат кўрсатаётган яхлит очик уяли радиотелефон алоқа тармоғи маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашуларда қўл келаяпти.

Бизнинг яқин келажакдаги вазифамиз - барча вилоят марказлари ва Ўзбекистоннинг асосий транспорт магистраллари бўйларида уяли алоқа станцияларини қурдиришдир.

"Ўздунробита" янги 1996 йилда мамлакатда уяли алоқа тармоғини ривожлантиришда янги инвестициялардан фойдаланади.

"Ўздунробита" ҚҚ.

Телефонлар: (3712) 44-17-09, 44-32-08. Факс: (3712) 40-26-68.

